

**«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШ
Б А Ё Н И**

2022 йил 4 ноябр

Тошкент шаҳри
Жамият маъмурияти биноси

Кузатув кенгаши раиси

Д.Ганиев

Кузатув кенгаши аъзолари

А.Раззоқов, М.Каримов, С.Каримов, Ж.Бойсинов, А.Умаров

Мажлисга таклиф этилганлар:

У.Худжабоев - «Авиасозлар дехқон бозори» АЖ директори в.б
Г.Т.Ибрагимова - «Авиасозлар дехқон бозори» АЖ бош мухосиби
Ф.Турсунов

Мажлисга Кузатув кенгаши раиси Д.Ганиев раислик қилди ва кворум борлигини инобатга олган ҳолда мажлисни очик деб эълон қилди.

Кун тартиби:

1. *“Авиасозлар дехқон бозори” АЖ раҳбари У.Худжабоевнинг аризасини кўриб чиқиш;*
2. *“Авиасозлар дехқон бозори” АЖга раҳбар тайинлаш масаласи.*

Кун тартибига киритилган биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Д.Ганиев сўзга чиқиб, “Авиасозлар дехқон бозори” акциядорлик жамияти раҳбари У.Худжабоев бошқа ишга ўтаётгани муносабати билан 2022 йил 4 ноябрда ариза билан мурожаат этиб, ўз хохишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраганини маълум қилди.

Кенгаш аъзолари жамият раҳбарини аризасини қаноатлантирилишини маъқуллашди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича мажлис раиси жамият раҳбарини бошқа ишга ўтаётгани муносабати билан жамиятга раҳбар тайинлаш масаласи кўриб чиқилгани ва соҳа бўйича тажрибага эга бўлган Турсунов Фаррух Собировични 2022 йил 4 ноябрдан жамият директори в.б этиб тайинланиши таклифи киритилганлигини маълум қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Ф.Турсуновни меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишиб, унинг 2022 йил 4 ноябрдан жамият директори в.б. этиб тайинланишини маъқуллашди.

Кенгаш аъзолари ўртасида ушбу масала юзасидан муҳокама бўлиб ўтди. Овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда,

КЕНГАШ ҚАРОР ҚИЛДИ

1. “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ директори в.б У.Худжабоев аризасига кўра 2022 йил 4 ноябрдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Турсунов Фаррух Собирович 2022 йил 4 ноябрдан жамият директори в.б этиб тайинлансин.

3. Ф.Турсунов билан амалдаги қонунчилик доирасида меҳнат шартномаси имзолансин ҳамда унинг ойлик маоши жамиятнинг штат жадвалига мувофиқ белгилансин.

4. Ф.Турсуновга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- жамият фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига асосан юритиш;

- Жамиятда даромадларни ошириш ва харажатларни қисқартириш чораларини кўриш;

- 2011-2013 йилларда жамиятга нисбатан қўлланилган қўшимча солиқ ва молиявий жарималар масаласида олиб борилаётган ишларни, яъни нотўғри қўлланилган солиқ ва молиявий жарималарни суд тартибида бекор қилиш чорасини кўриш, жамиятни К-2 ҳолатидан олиб чиқиш.

Мажлис раиси



Д.Ганиев


Кенгаш аъзолари



А.Раззоқов




М.Р.Каримов



С.Ю.Каримов



Ж.Бойсинов



А.А.Умаров

Баённи олиб борди



Н.Норхўжаев